ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЎСТИРИШ ВОСИТАЛАРИ

Равшанбек Маҳмудов
фалсафа фанлари номзоди, профессор
Гулистон давлат университети

Китоб-тафаккур фарзанди. Китоб-зиё тарқатувчи нур. Китоб-инсон маънавиятини, маърифатини ўстирувчи, баркамоллаштирувчи воситалардан биридир.

Китоб-бу осмоннинг ўзига нарвон,
Китоб-бу жаҳоннинг кўзига нарвон,
Тирик тарихларнинг сўзига нарвон,
Тунда талпинганга мохтоб керакдир,
Кундай кулай десанг китоб керакдир.

Олам оламлигин билмоқ учун ҳам,
Одам одамлигин билмоқ учун ҳам,
Қилни қирқ тилимга тилмоқ учун ҳам,
Тиғни тутгувчига шитоб керакдир,

Туғни тутгувчига китоб керакдир, деган эди Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир.

Бугунги кунда жамият ва халқ хизматига ярайдиган, ўзлигини, ўтмишини ҳурмат қиладиган, миллий онги, миллий ғояси, мақсади, миллий мафкурали ёшларни тарбиялаш зиёлилар, ота-оналар олдидаги энг долзарб ва муқаддас вазифадир. Биз олимлар, зиёлилар баркамол ва комил ёшларни тарбиялаш учун турли хил анжуманлар, учрашувлар ўтказяпмиз, янги фанлар, махсус курслар ташкил қиляпмиз, қичқаси, кўплаб қоғозларни қоралаяпмиз. Баркамол ва комил инсон қандай воситалар орқали шаклланади? Болага, ўсмирга, йигит-қизга нималар кўпроқ таъсир қилади? Кино, видео, компютер, телефон, ижтимоий тармоқлар, чет эл кинолари кабилар.

Хўш, комил инсон ким? Комиллик, баркамолликнинг қандай белгилари, унга етишиш йўллари борми? Бу каби саволларга жуда кўплаб дуч келамиз. Баркамолликка эришиш йўлларидан бири эса китобхонликдир.

“Тараққиётнинг умумий кўламида ҳар бир халқнинг ўрни ўша халқ ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланади” (Э.Лабуле). “Ғоят доно хатти-ҳаракатларда туғилувчи эзгу саҳоватларимизнинг асосий қисми учун биз китобдан қарздормиз”, деган эди Р.Эмерсон. Демак, китоб – маънавият булоғи, китоб – дўст, йўл кўрсатувчи ақлли – ҳамроҳ. Ёшларни китоб билан дўстлаштириш – энг долзарб вазифадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши дилимиздаги, қалбимиздаги ниятларимизни амалга оширишда асосий дастуриламал вазифасини бажаради.

Халқмизда дунё тилсим, унинг калити – китоб, деган ибора бор. Бугунги ёшлар кўп китоб ўқимай қўйишди. Бу ҳеч кимга сир эмас. “Ёшлар китоб сотиб олмайдиган бўлиб қолишди”. “Ёшлар видеога берилишди”, “Ёшлар интернетга кириб кетишди”, - деган надоматли гаплар кўп бора такрорланадиган бўлиб қолди. Лекин кўпчилик аҳволни била туриб нолийди, холос. Хўш, аҳволни яхшилаш учун нима қилиш керак ? Ёшларни китоб ўқишга жалб қилиш йўлларини топиш лозимми, йўқми ? Ёшлар бугунги кунда қайси китобларни севиб ўқийди ? Ҳар 100 нафар талабадан қандай китоб ўқиганлиги сўраганда 100 % “Шайтанат” ни, 40-50 % Ғаззолий, Румий, А.Қодирий асарларини ўқиганлигини айтишган. Демоқчиманки, китоб ўқиш ҳам инсоннинг ёш хусусиятига, онглилик даражасига боғлиқ. Китоб ўқишга ёшларни ўргатиш зарур ва шарт.

Талабалар ва ўқувчилар қизиқувчан бўладилар. Биз жисмоний маданият йўналиши, Ижтимоий - иқтисодиёт факультети талабаларига Алишер Навоий, Бобур, Машраб ғазалларини ёдлашларини тавсия қилдик ва белгиланган муддатда сўрадик.

Баркамол инсон жамиятдаги тараққиётни кўра оладиган, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний, экологик, касбий, жисмоний билимга эга бўлиши шарт. Бу билимларни эса инсонга китоб беради. Инсон ўз-ўзидан баркамоллашиб қолмайди. Китоб – инсонни баркамоллаштириш воситаларидан биридир.

Китоб – инсонларда ижобий ва салбий фазилатларни вужудга келтиради. “Китобсиз уй – жонсиз танадай гап”, - деган эди файласуф олим Цицерон.

Китоб инсонларда ватанпарварлик, эркинлик, инсонпарварлик, миллий ифтихор, меҳнатсеварлик, иймон-эътиқодлилик, ҳалоллик, ахлоқий поклик, фаросатлилик, одиллик, биродарлик, билимлилик, онглилик, ҳурфикрлилик, фидойилик, байналминаллик каби энг зарур фазилат, хислатларни шаклантиради. Лекин китоб ўқи, уни фойдаси кўп, деган гапларни айтиш билангина барча китобхон бўлиб қолмайди. Ҳамма китоб дўконларидан китоб сотиб олавермайди. Айтмоқчимизки, китоб ҳаёт учун зарур экан, уни ўқишни ҳаётий эҳтиёжга айлантириш усулларини кашф қилишимиз зарур.

Японияда университет кутубхонасига кириб қанча вақт шуғулланганлиги учун ўқув юрти талабаларига устама рейтинг бали қўшилар экан. Биз ҳам бу усулдан фойдалансак

ёмон бўлмас эди. Бу ҳам талабаларни кутубхонада шуғулланишлари учун бир рағбатлантириш йўли бўларди.

Китоблар қиммат, кутубхоналар бўм-бўш, китоб кам деб баҳона топамиз.

Университетимизда анча муддат ишлаб, шу ерда фан доктори, профессор бўлган собиқ “Халқ таълими” журнали бош муҳаррири Жўра Икромов бутун умри давомида тўплаган барча ноёб китобларини Алишер Навоий номли кутубхонага совға қилган. Ёки филология фанлари докторлари, профессорлар Худойберди Дониёров ва Акром Каттабековларнинг фарзандлари олимнинг тўплаган ўн минглаб китобларини университет ахборот-ресурс марказига топширдилар натижада уларнинг номида алоҳида ўқув-қироатхона ташкил қилинган эди. Ўқув-қироатхона ҳамиша талабалар билан гавжум. Чунки, унда керакли ва зарур китоблар сероб. Айтмоқчимизки, туман, қишлоқларда нафақага чиққан ўқитувчиларимиз уйида ҳеч ким фойдаланмаётган ўн минглаб китобларини мактаб, қишлоқ кутубхоналарига, ахборот ресурс марказларига, болалар боғчаларига совға қилишса, бу катта савобли иш бўларди. Кутубхоналарнинг китоб фондлари анча ортарди.

“Мен билмаслигимнинг билимдониман”. “Билишга интилмаслик уят”, - деган эди мутафаккир Абу Али ибн Сино.

Китобхонликни ва талабаларни китоб ўқишга жалб қилиш масаласини фақат анжуман ёки мақолалар орқали ҳал қилиб бўлмайди. Бу каби энг долзарб, эзгу иш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Юрт, Ватан тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқаро буйруқ, қарорлар кутмасдан имкониятидан келиб чиқиб, баркамол инсон тарбиясига ўз ҳиссасини қўшиши шарт. Боғча, мактаб, қишлоқ кутубхоналари заҳираларини бойитишга эътибор қаратилса, ечилмаган масаланинг бир томони ечилган бўларди. Демак, илм – ўзликни билмакдир. Китоб ўқиш йўли – ўзлигини англаш йўлидир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир инсонга китоб керакдир:

Суврат асли нурни сийратдан олур,
Сийрат эса илму ҳикмаатдан олур,
Одамдан эзгулик, муҳаббат қолур,
Саодат сайлига савоб керакдир,
Кўнгилнинг майлига китоб керакдир.

Китоб-дил боғида гулнинг рангидир,
Китоб-оташ ичра дилнинг рангидир,
У-қалбнинг камоли, ақл жангидир,
Кўкни кўзлаганга хитоб керакдир,
Ўзни излаганга китоб керакдир.

Демак, баркамолликни, етукликни шакллантириш воситаларидан бири китобдир. Китоб ўқиган инсон етук, ота-онасига, Ватанига меҳр-муҳаббатли инсон бўлиши шубҳасиздир.